

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

АМАЛИЙ САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ

БАДИЙ КУЛОЛЧИЛИК ВА ТАЪМИРЛАШ КАФЕДРАСИ

“Ҳимояга рухсат этилсин”
Факультет декани
_____ С.Дж.Саидова
“ ” _____ 2016 йил

5151200–Амалий санъат таълим йўналиши
Меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш бўлими талабаси

Жамалова Шохсанам Абдубанно қизининг

**”Самарқанд шаҳридаги Абдидарун мақбарасининг бадий
безакларини таъмирлаш XIX аср” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: “Бадий кулолчилик ва
таъмирлаш” кафедраси доценти
_____ З.Ш.Досметова

“Ҳимояга тавсия этилсин”
“Бадий кулолчилик ва
таъмирлаш” кафедраси мудири
_____ Д.Хайтметов

Тошкент - 2016

Мазкур битирув малакавий иши “Бадий кулолчилик ва таъмирлаш” кафедрасида бажарилган. Бадий кулолчилик ва таъмирлаш кафедрасининг 20_____ йил _____ даги _____ сонли мажлисида ҳамда Амалий санъат факультетининг 20_____ йил _____ даги _____ сонли факультет Кенгашида муҳокама этилиб, химояга тавсия қилинган.

Такризчи: _____

Битирув малакавий иши химояси 2016 йил 2 июнь соат 9⁰⁰ да Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳар Миробод тумани Мироншоҳ кўчаси 123 уй

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I БОБ. САМАРҚАНД МЕЪМОРЧИЛИГИ ТАРИХИ	
1.1. Самарқанднинг сиёсий - иқтисодий ва маданий ҳаёти.....	11
1.2. Самарқанд меъморчилик тарихи	18
II БОБ. МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРДА КОМПОЗИЦИЯ ЛАРНИНГ ЎРНИ	
2.1. Меъморий ёдгорликларни таъмирлашда уста-шогирднинг ўрни...	24
2.2. Меъморий ёдгорликларда композициялар	31
III БОБ. “АБДИДАРУН МАҚБАРАСИ”НИ БАДИИЙ БЕЗАКЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ЛОЙИХАСИ	
3.1. Мақбаранинг бадиий безакларини таъмирлаш лойихаси	34
3.2. “Абдидарун мақбараси”нинг бадиий безакларида акс этган воситаларнинг қўлланилиш таҳлили.....	39
ХУЛОСА	42
АТАМАЛАР РЎЙХАТИ.....	46
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	49
ИЛОВАЛАР	50

К И Р И Ш

Меъморчилик инсоннинг ҳар кунги ҳаётининг ажралмас қисмидир. У ҳам санъат турларидан бири бўлиб, бошқа санъат турлари сингари давлат тарихи, маданий-маънавий ҳаётини акс эттиради, ҳалқнинг турмуш тарзи ва эстетик шаклланишида муҳум аҳамиятга эга. Шунинг учун бу санъат тарихий воқеаларнинг салномаси, давр ойнаси сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон замини меъморий обидаларга бой ўлкадир. Бу ерда қадим замонлардан бошлаб то ҳозиргача меъморчилик санъати ривожланиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати раҳбарлигида мустақиллик йиллари Самарқанд шаҳридаги меъморий ёдгорликларини тиклаш, айниқса эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Италия каби давлатларда яратилган меъморий обидаларидан асло қолишмайди. Дарҳақиқат ўтмишдан қолган тарихий обидаларни сақлаб қолиш, таъмирлаш ва улардан тўғри фойдалана билиш, ўта мураккаб нозик дид ва маҳоратни чуқур билим ва тажрибани юксак салоҳият керак бўлса маънавий покликни талаб қиладиган серқирра соҳадир. Бу соҳада қандайдир иккинчи ёки учинчи даражали ишнинг ўзи йўқ. “Чунки бу – ҳалқимизнинг тарихий хотираси, миллий ўзлиги ва маънавиятининг юксалиши билан боғлиқ масаладир” деган эди Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов.¹

Мустақиллигимиз шарофати билан Республикамиз раҳбарияти ва хусусан Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолиги ва ташаббуси билан мамлакатимизнинг тарихий обидаларини келгуси авлодларга етказиш

И.А.Каримов, “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз” 7-том. Т-1999.

учун уларни таъмирлаш, консервациялаш ҳамда улардан замонавий эҳтиёжлар учун самарали фойдаланиш бу эҳтиёжларга уларни мослаштириш атроф муҳитни ободонлаштириш шунингдек мудофаа зоналарини тартибли сақлаш каби қатор долзарб ва эзгу ишлар навбати билан ўз ечимини топиб янада гўзал кўринишга эга бўлиб сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда.

Меъморчилик инсонларнинг кундалик ва жамоавий ҳаёти талаблари эҳтиёжи бўйича бино ёки уларнинг комплексини қуриш санъатидир. Меъморчилик бадий оброзларида жамият ҳаётининг тузми унинг тараққиёти эстетик идиаллари ўз аксини топади. Меъморчилик ғояси унинг қайси мақсадга қаратилганлиги бинонинг ички саҳни кўринишида меъморчилик ансамблининг умумий қиёфасида умумий ва алоҳида шаклларининг мутаносиблигида ритмик тушилишида очилади. Архитектура ва бино ҳажмининг мутаносиблиги меъморчиликнинг ўзига хос бадий тилини яққол кўрсатади. Биноларнинг ташқи кўринишини бадий жиҳозлаш бу ўринда катта аҳамиятга эга.

Ана шундай миллий уйғониш даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Мустақиллик билан боғлиқ барча ижмитоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар қаторида инсон, айниқса ёш авлод маънавияти, эркин, озод шахс маърифати, маданият ва санъатнинг ривожига алоҳида эътибор берди. Зотан такомил маънавий маданият ва санъатсиз, миллий қадриятларни янада юқори босқичга кўрармасдан туриб, янги жамиятни, янги ижтимоий тарихий муносабатларни ва янги дунёқарашни барпо этиш мумкин эмаслиги аён бўлди.

“Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ-деб ёзади Президент Ислон Каримов – аждодларимиз томонидан кўп асрлар муобайнида яратиб келинган ғоя илкан бебаҳо маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятга муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашни ўзишидан,

ҳалқнинг маънавий сарчашмаларига унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, таббӣй жараён деб ҳисоблаймиз”.¹

Ўзбекистонда янги маънавий ғоявий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида, замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этиб, ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб бадий тафаккур ривожини янада жадаллаштирди. Тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш тамойиллари, меъморлик, тасвирий, ва амалий безак соҳаларида мусиқа ва томоша санъатларида, бадий ва ҳужжатли кино ҳамда телевидиния тизимида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбек миллий меъморчилиги қадимдан ўзининг ҳаётбахш анъаналарига эгадир. Хусусан, таъмир ишлари миллий маданиятимизнинг ўзига хос қирраларидан бирини ташкил этади. Мазкур рисола бинокорлик, аниқроғи таъмирлаш, кошинпазлик, кошинкорлик масалаларига бағишланган бўлиб, халқ усталарининг узоқ йиллар давомида тўплаган тажрибалари, таълимлари асосида тайёрланди.

Қадимий обидаларни таъмирлашда таъмир устакорлиги, устахона, таъмир асбобларидан фойдаланиш, таъмир турлари, бу соҳада ишлатиладиган материаллар, уларни тайёрлаш услуби, тарихий-маданий обидалар меъморчилиги, гумбазлар, равоқлар, пештоқлар аслида, вақт емирган кўҳна биноларга иккинчи ҳаёт бахш этиш хусусида баҳс юритилади.

Халқ меъморчилигида бинокорлик илми ва санъатини чуқур эгаллаган, лойиха ва нақшлар чизиб ижод қилган моҳир муҳадиссларни меъмор, боқий муҳадис деб улуғлашган. Ўрта асрлар меъморчилигида

¹ Ислон Каримов. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т., “Ўзбекистон”, 1997. 137 бет.

энг мураккаб ва мухташам сарой ва кўшкларни мадраса ва масжидларни ўз лойихаси асосида бунёд этган мубоширлар кўпинча муҳандис ёки меъмор деб аталгани маълум. Аслида муҳандис ва меъмор унвонлари катта тажрибали маълум ва машҳур бинокор усталарга нисбатан кўпроқ қўлланилган. Қўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар меъморчилиги ҳақида ўйлар эканмиз, дастлаб ўша муқаддас манзиллар кўксига турли даврларга мансус бекиёс ва бебаҳо меъморий ёдгорликлар кўз ўнгимиздан ўтади. Халқ даҳосининг нодир намуналари ўтмиш замонлар элчиси ва гувоҳи сифатида қад кўтариб турибди. Ана шундай гўзаллик оламини ярата олган устоз муҳандис ва меъморлар маҳорати таърифга сиғмайди. Меъморчиликнинг илк ривожланиш давридан бошлаб қурилиш майдончасида мўлжалдаги бинонинг шаклини, яъни лойихасини ясаш учун асосан оддий режа ипидан фойдаланилган. Режа ипи ва қозиклар ёрдамида текис ер сатҳига жуда мураккаб шакллар тушириш мумкин. Бу икки ёрдамчи ашё меъмор қўлидаги чизғич вазифасини ўтаган. Қадимий меъморий обидаларнинг шаклий тузилиши хусусиятларини уйғунлиги тартибини ҳам оддий чизғич имкониятларидан келтириб чиқариш тақозо қилган. Ана шу муҳим жиҳатни назарда тутган ҳолда мутахассислар, олимлар, меъморий қонуннинг моҳиятини аниқлаш мақсадида бир қатор меъморчилик обидаларини анча йиллардан бери тадқиқ этадилар. Қадимги меъморий қонуннинг таъсир намуналарини ҳатто миллоддан аввалги 15 асрларга оид Ўрта Осиё меъморчилигида ҳам яққол учратишимиз мумкин.

Ота-боболаримиздан қолган бой меросимизни асраб-авайлашимиз лозим бўлган жамиятимизнинг ҳам маънавий ҳам мафкуравий жабҳалари билан чамбарсчас боғлиқ меъморчилик, қурилиш ва меъморий ёдгорликларни сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис кадрларни тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ етук таъмирловчи рассом мутахассисларини етиштириш улкан аҳамият касб этади.

Мустақиллик Ўзбекистон Республикаси меъморлигини тубдан ўзгартирди. Ўзлигини намоён қила бошлаган миллат, турли услубдаги меъморчилик иншоотларини яратишга қодир эканлигини амалда кўрсатди. Янги меъморлик мунтазам режалар, хандасавий тоза сиртлар, енгил ва тиниқ конструкциялар, биноларни янги турлари ва тарихий шаҳарларни янгича тиклаш билан ислом маданиятига хос вазминлик руҳида маҳобатли иморатлар яратишга интилмоқда.

Айтиш жоизки, мадраса, масжид, истироҳат боғлари, кутубхона сингари иншоотларни барпо этиш орқали, эл-улуснинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда Темур ва темурийлар сулоласига мансуб кўпгина ҳукмдорларнинг хизматлари бенихоя каттадир. Шубҳасиз, маданий ҳаёт, унинг равнақи учун астойдил ҳаракат иншоотлари бунёд этиш Амир Темур ёки темурийлар амалга оширган эзгу ишларнинг таркибий қисмини ташкил этган. Улар ислом маданиятига зўр эътиқод билан ёндошганлар, ўз миллатининг равнақи учун, мустақиллиги, элу – юрт тинчлиги, дину - диёнат учун курашганлар ва марду – майдонга чиққанлар. Амир Темур даври маданий меросида масжид ва мадраса туркумидаги иншоотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу сулола даврида бунёд этилган меъморий ёдгорликларни рассомлар томонидан рангтасвирларда акс эттириш уларни ранг бўёқлар жилосида кўриш, кишилар учун ушбу обидалар ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этади ва бу бугунги кун талабларига мос келади. Шу сабаб, тарихий меморий обидалар ҳақида қисқача изоҳ бериш лозим, чунки, собиқ мустабид тузуми собиқ иттифоқи даврида нафақат Темур ва темурийлар даври, балки, улар бунёд этган обидалар тарихи, ҳолати, маданий-маънавий даражаси бузиб кўрсатилган ва уларга бўлган муносабатлар халқимиз аجدодлари камситилган эди.

Мавзусининг долзарблиги. Истиклолимиз шарофати, Республикамиз раҳбарияти ва хусусан Ислом Каримов раҳнамолиги ва ташаббуси билан мамлакатимизнинг турли вилоят ва тарихий шаҳарларида мавжуд бўлган меъморий обидаларни бут-бутун ҳолда сақлаб қолиб, келгуси авлодларга етказиш учун уларни таъмирлаш, консервациялаш ҳамда улардан замонавий эҳтиёжлар учун самарали фойдаланиш, бу эҳтиёжларга уларни мослаштириш, атроф-муҳитини ободонлаштириш, шунингдек муҳофаа зоналарини тартибда сақлаш каби қатор долзарб ва эзгу ишлар навбати билан ўз ечимини топиб, амалга оширилиб келмоқда.

Самарқанддаги Имом ал-Бухорий, Имом Мотрудий ва Шохизинда зиёратгоҳи, Абдидаун мақбараларини, Бухородаги Баховуддин Нақшбанд, Чорбакр ва Масжиди Калон меъморий мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурхониддин Марғилоний ёдгорликларини, Сурхондарёдаги Хаким ат-Термизий ва Имом ат-Термизий, Хивадаги Ичан қалъа ёдгорликлари, Шахрисабздаги Дор уттиловат, Кўк масжид, Қарши шаҳридаги Одина масжиди ва Кўк гумбаз обидалари, Тошкентдаги Ҳазрати Имом меъморий мажмуалари ва улар сингари ўнлаб ҳатто юзлаб қадамжоларни обод ва кўркем ҳолга келтириш бўйича бажарилган ишларни эслаш ўринлидир.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари: Самарқанд шаҳридаги Абди Дарун мақбараси бизгача ҳароба ҳолида сақланиб қолган бадий безакларини таъмирлаш лойиҳасин ишлаб чиқиш ва ушбу ноёб обидани келажак авлодлар учун сақлаб қолиш мақсадида мақбарани меъморий безак шакллари асл ҳолатини ашёда бажариш.

Малакавий битирув ишининг илмий-амалий аҳамияти. Кўп йиллар давомида ташландиқ ҳолда қаровсиз қолиб кетган ва кўп талофатлар кўрган Абди Дарун мақбараси кенг жамоатчилик ва олимларимиз эътиборини қаратиб, мазкур обидани келажак авлод учун

сақлаб қолиш, уни тарихий меъморий мерос сифатида авайлаб-асраш, унинг муҳофаа ҳудудини аниқлаш ва бу ёдгорлик бадий безакларини таъмирлаш лойиҳасини яратиш ва шу мавзуга доир меъморий лойиҳаларни ишлаб чиқишда мазкур тадқиқотнинг аҳамияти каттадир.

Малакавий битирув ишининг таркибий қисми: мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқод: кириш, уч боб, хулоса, атамалар рўйхати, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат.

I БОБ. САМАРҚАНД МЕЪМОРЧИЛИГИ

1.1. Самарқанднинг сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳаёти

Самарқанд дунё тараққиётининг энг қадимги ва марказий шаҳарларидан бири бўлиб, жаҳон маданияти ва фани ҳазинасига катта ҳисса қўшган шаҳардир.

XIII аср бошларида мўғул босқинчилари Ўрта Осиёнинг тинч ҳаётига тажовуз солиб, улар жуда кўплаб шаҳарларни, санъат ёдгорликларини ва бошқа маданий ёдгорликларни вайрон этдилар. Чингизхон қўшинлари томонидан Афросиёб ер юзидан йўқ қилинди. Уйлар ва саройлар ёндирилди, неча асрлар сув бериб турган сув қуврлари барбот этилди, гуллаб-яшнаб турган боғлар култепаларга айлантирилди. Бироқ шаҳар ўлмади, аксинча, XIV-XV асрга келиб янада гуллаб-яшнади. Бу кунлар буюк саркарда Амир Темурнинг Самарқанд шаҳрини ўз салтанатининг марказига айлантиришга қарор қилган даврларга тўғри келади. Амир Темур саройида бўлган испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихо ўз битикларида Самарқанд ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Темур бу шаҳарнинг гуллаб яшнашини хоҳларди, у қайси юртни эгалламасин, у ердан одамларни бу ерга яшаши учун олиб келар, айниқса турли йўналишлардаги усталарни йиғишга ҳаракат қиларди”.

Темур ўз юрти пойтахтини дунёдаги энг катта ва кўркам шаҳарлар қаторига қўшишни истарди. Шу боисдан Самарқанд шаҳри атрофидаги қишлоқлар Боғдод, Дамашқ, Қоҳира каби буюк шаҳарлар номини олдики, Темур ўз пойтахти олдида бу шаҳарлар бир қишлоқчалик бўлишини истади. Самарқанд шаҳрини 13 та катта боғ яшнатиб турарди, уларнинг энг каттаси шу даражада кенг эдики, тарихнинг шоҳидлик беришича, бир кунни шу боғда адашиб қолган отни бир ой излаган экан.

XIV асрда Самарқанднинг обод ўлка сифатида гуллаб-яшнаши Темурийлар ҳукумронлиги даврига тўғри келади. Бу даврда Самарқанд

кўпгина Шарқ ва Европа давлатлари билан савдо алоқалари ўрнатган. Амир Темури ва унинг авлодлари ҳукум сурган тарихий даврни назардан ўтказар эканмиз, бунда ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг юксак марралари сари кўтарилган Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бутун ёрқин манзараси кўз олдимизда номоеъ бўлади. Марказий Осиё халқлари цивилизацияси ва маданияти равнақининг юқори чўққиси ҳисобланган Темурийлар даври нафақат шу минтақа доирасида, балки умумжаҳон миқёсида ҳам ўзига хос юксак босқич бўлди. Унинг қудратли акс-садоси асрлар оша авлодлар қалби ва тафаккурини ҳамон нурлантириб келмоқда. Темурийлар маънавий маданияти тўғрисида гап борганда даставвал она юртимизда уйғониш даврининг иккинчи босқичи бўлган шу олтин асрда илм-фаннинг нечоғлик равнақ топганлиги ҳамда унинг жаҳон илму урфони тараққиётига кўшган бебаҳо ҳиссаси ҳақида ҳар қанча ғурурлансак арзийди. Бу даврнинг яна бир муҳим ютуғи бу ижтимоий фанлар, хусусан, тарихшунослик соҳасида катта тадқиқотларнинг яратилганлигидир. Бу ҳайрли ишларнинг юзага чиқишида ҳам темурий ҳукумдорларнинг ташаббуси ва раҳнамолиги беқиёс бўлган.

Амир Темури ва темурийлар даври маданий муҳитининг ёрқин саҳифасини туркий (эски ўзбек) адабиётининг равнақисиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, сарчашмалари анча олис даврлардан адабиёт бу вақтга келиб янада сайқал топиб, унинг бадиий имкониятлари янги уфқлар кашф этиб, юксак ривожланишга эришди. Бунинг натижасида янги-янги номдор шоиру адиблар ижод майдонига кириб келиб, ўз бетакрор, умрбоқий асарлари билан бадиий тафаккур ҳазинасига салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўзбек халқи қадимий тарихий маданий ёдгорликлари, такрорланмас меъморчилик асарлари билан бутун жаҳонга маълум ва машҳурдир. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарлар Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи жуда узокдан бошлангани ҳақида гувоҳлик беради. Рўйи замин сайҳали бўлган кўҳна Самарқанд

ҳамиша дилларни мафтун этувчи ажойиб ёдгорликлари билан дунёнигоҳида туради. Шоҳизинда, Регистон, Бибихоним ансамбллари, Улуғбек расадхонаси, Ишратхона, Оксарой, Нодирдевонбеги ёдгорликларининг ҳар бири бебаҳо тарихий аҳамияти билан маданиятимизнинг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Гўзаллиги, бежиримлиги, ғоят мустаҳкамлиги билан асрлар оша яшаб келаётган, кишиларни ҳайратга солаётган бу оҳори атмалар халқ истеъдоди, ижодкорлигининг нодир намуналаридир. Самарканд ёки Бухоро, Тошкент ёки Шаҳрисабз бўйлаб сайир этаркансиз, мовий гумбазлари, улуғвор миноралари ва залворли пештоқлари минг бир тусда товланаётган иморатлар эътиборингизни тортади. Ахир, Бухородаги сомонийлар мақбараси, Мирараб ёдгорлиги, Шаҳрисабздаги Оксарой, Хивадаги Ислохўжа ёдгорликларини, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасасини ким билмайди дейсиз. Уларга боқсангиз, қуёш нурида товланаётган сиркор кошинлар, гул ўсимлик типига нафис нақшлар беихтиёр ўзига мафтун этади. Бу ложувард бўёқлар ва кошинкор нақшлар бундан бир неча ўн асрлар муқаддам тайёрланган булсада, ҳозиргача чиройини ҳам, нафосати-ю кўркини ҳам ёқотган эмас. Лекин даҳшатли вақт бамисли бу ёдгорликларнинг бағридаги такрорланмас жозибани емиришга, кошинларни кўчиришга, улуғвор иморатларни қулатишга ҳаракат қилди. Вақт жароҳат солган обидаларни асл холига келтиришдек муқаддас, шарафли, айнаи чоғда масъулиятли ижодий вазифа, асосан, таъмирчи усталар зиммасига тушади. Тўғри, халқ усталари меъморлар, лойиҳаловчилар, қурувчилар, монтажчилар билан ҳамкорликда иш юритишади. Қачонки ана шу ҳамкорликда архитектура санъатига хизмат қилувчи уйғунлик мавжуд бўлса, таъмирлаш ва бошқа ишлар сифати шунчалик юқори даражада бўлади.

Бизга яхши маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар улуғ халқимиз яратган маданий мерос, моддий маданият

дурдоналари қаровсиз ва муҳофазасиз ҳолда эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ маданиятимиз дурдоналарини қўриқлаш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш масаласи кун тартибига кескин қилиб қўйилди. Ҳатто пролетариатнинг буюк йулбошчиси Владимир Ильич Ленин шахсан ўзи бу соҳага алоҳида эътибор берди. Унинг ташаббуси билан 1918 йил 5 октябрда «Тарихий ва санъат ёдгорликларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ҳамда қўриқлаш тўғрисида» ғоят муҳим декрет қабул қилинди. Тарихий-маданий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш ишларига Ўзбекистонда ҳам инқилобнинг дастлабки кунлариданоқ катта қизиқиш билан қаралди. 1920 йилда Туркистон республикаси Халқ Маориф Комиссарлиги қошида музей ишлари, қадимий ва санъат ёдгорликларини қўриқлаш бўйича Туркистон Коммитети тузилди ва унга амал қилган мазкур комитет аъзолари, хусусан, В.В.Куйбишев, М.В.Фрунзе Самарқандга ташриф буюришиб, бу ердаги ёдгорликларни таъмирлашга, асраб қолишга яқиндан ёрдам беришди. Бундан ташқари, В. Т. Шухов, В. Л. Вяткин, Б. Г. Засипкин, Н. М. Бочинский, М. Е. Массон, М. Саиджонов, В. А. Шишкин каби таниқли олимлар, Абдукодир Боқиев, Ширин Муродов, Абдулла Болтаев, Қули Жалилов, Шамсиддин Ғофуров каби таниқли халқ усталари ноёб обидаларни рўйхатга олишда, таъмирлаш ва сақлашда жонбозлик кўрсатдилар. Шунингдек, М. С. Андреев, В. В. Бартольд, Д. И. Мечкин, М. Ф. Мауэр, Я. Ғ. Ғуломов, Г. А. Пугаченкова, В. Л. Воронина, Л. И. Ремпель, П. Зоҳидов, В. А. Нильсен каби тадқиқотчилар ҳам тарихий ёдгорликларга иккинчи умр бағишлаш ҳамда уларнинг архитектуравий қийматини тадқиқ қилишда астойдил изландилар.

Ўзбекистонда қадимий иморатларни ремонт қилиш, консервациялаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш дастлабки йилларда Самарқандлик машҳур қурувчи ва ажойиб халқ устаси Абдукодир Боқиев иштироки ва раҳбарлигида олиб борилди. Миллий меъморчилигимизнинг

ҳақиқий билимдонлари Давлат мукофоти лауреатлари Ширин Муродов, Болта Жураев, Жалол Жураев, Кули Жалилов, меъморчилик, қошинкорлик ва таъмирлашда катта тажриба тўплаган усталар — Акрам Умаров, Ота Полвонов, Мирҳомид Юнусов, Тошпулат Арслонқулов ва бошқалар миллий маданиятимиз истикболи учун астойдил жон куйдиришди. Тарихий обидалар, шубҳасиз, халқимиз ўтмиши, маданияти, санъати ва улуғ бунёдкорлик кучининг жонли гувоҳлари сифатида асрлар оша яшайверади. Мана шу мангуликни тўла-тўқис таъминлаш учун уларни вақт-вақти билан таъмирлаш, уларнинг гузаллиги, жозибаси ва кўрки камолини келгуси наслларга ҳам етказиш учун катта кўламда ижодкорлик ишларини амалга оширишга тўғри келади.

Ўзбекистонда шундай шаҳарлар борки, уларнинг эски ёдгорликларида халқ бинокорларининг асрий изланишлари кўриниб туради. Булар мисоли очик осмон остидаги бир музей бўлиб, уларда ўтган замонларнинг архитектура иншоотлари кўз қорачиғидек асраб келинади. Бу шаҳарлардаги ёдгорликлар ўз атрофларида қурилаётган янги биноларнинг асосий қиёфасини ҳам белгилаб беради.

Самарқанд киши ҳаёлида Темур ва Темурийлар давридаги ажойиб ижодий бинокорлик санъатини яққол гавдалантиради. Хивада — сўнгги ўзбек хонликлари даврида бунёдга келган сўнгги феодал шаҳрининг ўзига хос типик кўриниши сақланиб қолган. Агар янги қурилишлар ва қайта режалаштириш жараёнида йилдан-йилга тор ва қинғир-қийшиқ кўчалар, тартибсиз ва ғуж маҳаллалар ном-нишонсиз йўқолиб кетаётган бўлса, ўтмишдан қолган машҳур меъморчилик ёдгорликлари давлат томонидан муҳофазага олиниб, қайтадан таъмир этилмоқда.

Обидаларга қайта сайҳал бериш, уларга иккинчи ҳаёт бағишлаш нозик, кийин санъаткорлик ишидир. Бу хайрли юмуш устадан юксак даражадаги ижодий маҳорат, нозик дид, ақл-заковат, зийраклик, билимдонлик, ҳайрат-шижоат, сабр-тоқат, ирода ва матонат талаб этади.

Мана шуларга амал қилмаслик туфайли таъмирлаш ишларида кўп ҳолларда айрим чалкашликлар, хатоликлар рўй беради. Аниқроқ айтадиган бўлсак, таъмирлашда сифат ва самарадорликнинг муқаддас конунлари бузилмоқда.

Аввало, миллий меъморчилигимиз анъаналарини чуқур эгаллашимиз, халқ усталари тажрибаларини эринмай, сабр-қаноат билан ўрганишимиз, истеъдодли шогирдлар тарбиялашимиз, уларни назарий ҳамда амалий билимлар билан мукаммал куроллантиришимиз лозим. Афсуски, таъмирловчи кадрлар тайёрлаш, ҳанузгача мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам бундай мутахассислар жуда озчиликни ташкил қилади. Бу масалани муваффақиятли ҳал этиш мақсадида 1976 йилдан бошлаб Самарқанддаги Мирзо Улурбек номли архитектура ва қурилиш институти қошида кўпгина ҳунар-техника билим юртларида ёшларга тарихий ёдгорликларни таъмирлаш юзасидан таълим берила бошлади. Бундан ташқари, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабздаги тажрибали усталар уз билимлари ва тажрибаларини, таъмирлашнинг нозик сирларини, мураккаб қирраларини шогирдларига ўргатмоқдалар. Ишончимиз комилки, ҳукуматимиз ғамхўрлиги билан яқин йиллар ичида таъмирловчи усталар, шогирдлар сафи янада кенгаяди деб ўйлаймиз.

Самарқанд қадимий тарихи ва меъморий ёдгорликлари туфайли бутун дунё тан олган ҳақиқий музей шаҳрига айланди. Шу боис республика ҳукумати қарори билан 1982 йилда Самарқанднинг Афросиёб шаҳристони, ўрта асрларда бунёд этилган меъморий ёдгорликлар ва 19—20-асрларда қурилган „Янги шаҳардаги бинолар, тарих ва ўлкашунослик музейлари асосида „Самарқанд давлат бирлашган тарихий меъморий музей кўриқхонаси" тузилди. Ўша йилда шаҳарнинг тарихий қисмини муҳофазалаш чегаралари белгиланди.

Самарқанднинг меъморий-тарихий ёдгорликлари 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25 сессиясида Жаҳон мероси

рўйхатига киритилди. Самарқандда 73 та йирик тарихий меъморий ёдгорлик: Регистон ансамбли, Шоҳи Зинда ансамбли, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси, Бибихоним жоме масжиди, Руҳобод мақбараси, Абдидарун мажмуаси, Хожа Аҳрор масжиди, Ҳазрати Хизр масжиди ва бошқа сақланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан Самарқандда Абу Мансур Ал Мотуридий Ас Самарқандий дафн этилган Чокардиза қабристони ҳудудида Мотуридий ёдгорлик мажмуи мазорига мақбара қурилди, қабристон обод этилди. Бурҳониддин Марғиновий вафотининг 800 йиллиги (1997), таваллудининг 910 йиллиги (ҳижрий сана бўйича) (2000) кенг нишонланди (Самарқанд шаҳридаги Чокардиза қабристонида дафн этилган). Самарқанднинг марказий майдонига Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. Шаҳардаги тарихий обидалар Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон (Афина), Италия (Рим) ёдгорликлари каби ўзининг гўзаллиги билан эътиборни ўзига тортади. Самарқандга ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб сайёҳлар келиб кетадилар. Меҳмон ва сайёҳларга хизмат кўрсатувчи: „Афросиёб“, „Самарқанд“, „Зарафшон“, „Боғишамол“, „Марказий“, „Президент отел“ каби меҳмонхоналар қурилган. Сайёҳларга „Ўзбектуризм“ миллий компаниясининг Самарқанд бўлими ходимлари хизмат кўрсатадилар.

1.2. Самарқанд меъморчилиги тарихи

Она тарихимизнинг мана шу муҳум босқичида ҳалқ даҳоси, қудрати билан бетимсол моддий ва маънавий маданият намуналари, мислсиз осори атиқалару, монументал меъморий обидалар бунёд этилди.

Хусусан, Амир Темур юксак маърифатпарвар ҳукумдор сифатида ҳалқ ичидан чиққан қанчадан-қанча ноёб истеъдодлар, илму урфон ва дин аҳллари, меъмору ҳунармандларни парваришлаб ўстириш баробарида мамлакат ободонлиги, равнақи учун ҳам доимий ҳаракатда, изланишда бўлди. Унинг даврида Самарқанд ва юртнинг бошқа ҳудудларида қад рослаган серхашам саройлар, боғ-роғлар, масжид-у мадрасалар, рабату-карвонсаройлар, кўприклар, сув ҳавзалари ва бошқа иншоотлар Соҳибқирон салоҳияти ва фаолиятининг нечоғлик кўп қирралилигидан далолатдир. Шарқ муаллифлари „Самарқанд“ сўзининг биринчи қисми, яъни „Самар сўзи шу шаҳарга асос солган ёки шаҳарни босиб олган кишининг номи деб ҳисоблаб, бир қанча сунъий таърифларни таклиф этдилар. Бирок тарихда бундай исмли киши тўғрисида маълумотлар аниқланмаган. Сўзнинг иккинчи қисми „кент“ (канд) — шаҳар деган маънони билдиради. Баъзи европалик олимлар, бу ном қадимдан қолган, санскритча „Самаря“ га яқин, яъни „йиғилиш, йиғин“ сўзидан келиб чиққан деб изохлайдилар. Антик муаллифларнинг асарларида шаҳар Мароканда деб аталган. Бу ҳақиқатга анча яқин бўлиб, Мароканда — Самарқанд атамасининг юнонча айтилишидир. ХХI аср олимларидан Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарий шаҳар номининг келиб чиқишини „Семизкент“, яъни „семиз қишлоқ“ сўзининг бузиб талаффуз қилиниши деб тушунтирадилар.

Темур ва Темурийлар даврида меъморлик санъати ниҳоятда ривож топгани ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Бу даврда меъморликда биринчи бор вужутга келган йирик ва мураккаб меъморлик мажмуалари муҳим

ўрин эгаллайди. Меъморчилик ёдгорликларини рангли кошинлар билан бойитиш катта бадиий-эстетик аҳамият касб этади. Албатта, рангли безак Ўрта Осиё меъморлигида аввал ҳам бўлган, лекин XV асрга келиб бино ички ва айниқса ташқи пардозида бу услуб алоҳида ўринни эгаллаб, сирли сопол тахтачалардан ишланган рангли кошинлар XIV аср охиридан тарқалади. Темур нафақат ўз она шаҳри Кеш ва ройтахт Самарқадда, балки ўз тасарруфидаги, ерларда ҳам ҳашаматли бинолар қурдирди.

Самарқанд жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири — 2700 йилдан ортиқ тарихга эга. Самарқанд милоддан аввалги IX-асрдан милоди XI-асргача Суғд давлатининг пойтахти бўлган. Археологик қазишмалардан маълум бўлишича, юқори палеолит даврида ҳам Самарқанд ҳудудида одамлар яшаган. Рим тарихчиси Квинт Курсий Руфнинг (милоддан аввалги 1- аср охири — милодий 1-асрда) ёзишича, Самарқанд қалъаси деворининг айланаси тахминан 10,5 км бўлган. Милоддан аввалги 329 йилда македониялик Александр (Искандар Мақдуний) қўшинлари Самарқандни вайрон қилган. Самарқанд XI асрда Турк хоконлиги таркибига кирган ва маҳаллий ҳокимлар томонидан бошқарилган. XII аср бошидан Зарафшон водийси Самарқанд ҳокимлари қўл остига ўтган. Кутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб қўшинлари 712 йилда Самарқандни эгаллаган. Қўзғолон кўтарган шаҳар аҳолисининг бир қисмини қириб ташлаган. Аттабарий келтирган маълумотга кўра, Самарқандликлар шаҳристон (ички шаҳар)ни арабларга бўшатиб беришга мажбур бўлганлар. Араблар шаҳристонда масжид ва минбар қурганлар. Маҳаллий аҳолидан тортиб олинган қимматбаҳо буюмлар ва олтин, кумуш билан безатилган санамлар (хилат уласном) ни эритиб 10 минг мисқол қимматбаҳо металл олинган. 776—83 йилларда арабларга қарши Муқанна бошчилигида қўзғолон кўтарилган (Муқанна қўзғолони).

Амир Темур даврида Самарқанд бунёд этилиб, теварак-атрофга ҳусну латофат бағишлаган, бир-биридан кўркем ўнлаб боғлар, чунончи,

“Боғи Дилкушо”, “Боғи Давлатобот” ва шунга ўхшаш бир нечта боғлар, шунингдек ўз даврининг тенгсиз меъморий обидалари: “Кўксарой”, Шоҳи Зинда ансамбили, Бибихоним масжиди ва мадрасаси, Гўри Амир мақбараси ва шу сингари ноёб иншоотлар Амир Темур даврида моддий маданиятнинг юксак даражада ривож топганлигига ишончли гувоҳдир.

Амир Темур ва Темурийлар давридан бизнинг кунларгача сақланиб қолган муҳташам санъат обидалари ўз даврида Соҳибқирон ҳомийлигида мамлакатда меъморлик ва шаҳарсозлик ғоят ривожланган. Бу даврда меъморлик раванқ топди. Меъморлар ва тасвирий санъат усталари ҳомийликларга олинди. Меъморчиликда ҳашаматли ва гўзал биноларни қуришга, шаҳарсозликка алоҳида эътибор қаратилди. Соҳибқироннинг бунёдкорлик сўзларига қулоқ беринг: “Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим”.

Яна бир ўринда Амир Темур таъкидлайди: “Яна амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилинсинлар, фақиру мискинларга лангархона (мусофирхона) солсинлар ва ларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда дорул-аморат (ҳукумдор саройи) ва дорул-адолат (адолат саройи) курсинлар!”ⁱ.

Бу каби кўплмб тарихий ҳужжатларда Амир Темурнинг меъморий даҳоси кўламини, бунёдкорлигининг беқиёслигини, кейинги аср меъморлик санъатига ҳомийлигини яққол кузатиш мумкин. Амир Темур даври улкан бунёдкорлигини ўз кўзи билан кўрган муаррих Ибн Арабшоҳ Самарқанддаги ҳайратомус бинолар ҳақида ёзади.

Амир Темур даврида Самарқандга моҳир санъаткор усталарнинг кўчириб келтирилиши, шаҳарнинг мисли кўрилмаган маданий раванқ топишига замин ҳозирлади. Самарқанд тез орада Марказий Осийё ва Ўрта Шарқнинг моҳир меъморлари жам бўлган масканга айланди.

Маҳаллий ва четдан келган меъморлар ҳамда бинокор усталарнинг ҳамкор ижоди туфайли Мовароуннаҳр меъморчилигининг энг сара анъаналари негизида меъморликда бадиий ижодиётнинг гўзал намуналари вужудга келди.

Бино лойиҳасини ишловчилар сифатида меъмор, муҳандис, ал-банно, устод номларини учратамиз. ижодкор усталар доим Амир Темур атрофида бўлишган.

Бу даврда лойиҳа тузиш санъати ривожланиб, хатто ижодкор меъморлар ва муҳандислар ўртасида ўзаро танловлар ўтказилиб, энг мақбули тавсия этилган. Бунёд этилган меъморий обида ҳар жиҳатдан мукамал, хушқад, шаклу шамоили мутаносиб, безаклари нафосат билан етук санъат асари даражасида бажарилган. Маҳобатли меъморчилик ривожланди. Уларга Шоҳизинда, Оқсарой, Ишратхона, Бибихоним ва бошқа обидаларни критишимиз мумкин. Биноларнинг ташқи ва ички кўриниши унинг безаклари қайта кўриб чиқилди. Темур Мовароуннаҳрдан ташқари Табризда мачит, Боғдотда мадраса, Туркистонда мақбара қурдиради. Қурилиш соҳасида қадимда соз тупроқ, ҳом ва пишиқ ғишт, ганч, ганчхок, ёғоч, қамиш, тош каби маҳаллий ашёлардан фойдаланилган.

Синчкор иморатлар уй-жой қурилишининг асосини ташкил этган. Том вассажуфт (тоқи)лар билан беркитилган.

Ганчкори кенг қўлланилган. Ганчкор безак турлари жуда кўп. Бўртма ганч безакнинг энг нафис тури – кундал устидан, одатда зарҳал берилган.

Наққошликда, асосан, маҳаллий маъдан бўёқлари ишлатилган. Наққошлик бино ичкарасидаги нозик ва нафис безаклардан кенроқ ўрин эгаллаган. Бино ташқарисидаги безакларда оддий сопол, сиркор сопол-парчин ва кошин кенг қўлланилган. Бино пойдеворида тош парчалари

ишлатилган; ташқи изора каби безакларда ҳар хил ўймакор, муқарнас, гириҳ шакиллари билан тоштахталарни кўрамиз.

Ғиштин биноларда равоқ, гумбаз асосида конструкциялар кенг қўлланилган, катта саҳнлар усти иложи борица беркитилган. Янги конструкциялар ғояларининг пайдо бўлиши тоқу равоқли тизимларнинг илдам ривожига олиб келди. Бурчак равоқлари ташкил этган саккиз ёқли девор устига боғланадиган гумбаз қадами ўз ниҳоясига етгани учун ҳам, гумбазга ўтиш орасида бошқача поғоналар пайдо бўлди. Туркистондаги Аҳмад Яссавий хонақоҳ-мақбарасида янги конструкциянинг содда ибтидосини кузатсак, Шаҳрисабз ва Самарқанддаги Оксарой, Боғи Дилкушо кўшки, Чўпонота биноларида анчагина мураккаб шаклларни кўрамиз.

Самарқандда минг йиллар давомида билимдон аждодларимиз томонидан бунёд этилган меъморчилик, хусусан, таъмирловчилик мактаблари иши бугунги кунда ўзига хос оҳор билан жило топаётганлигини таъкидлаш жуда қувончлидир. Эндиликда Самарқандлик халқ усталари таъмир турларини такомиллаштиришга ҳам жиддий эътибор бермоқдалар. Таъмир турлари хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳар бири мукамал билиш, ижодий ўзлаштириш, айникса уларнинг ёнларидан шогирдларни тўлақонли воқиф этиш сифат ва самарадорликка яхши таъсир кўрсатади.

Ота-боболаримизнинг табаррук қўли билан бунёд этилган меъморчилик обидаларининг нилий, мовий, зумрад тусли гумбазларига ким туйиб-туйиб боқмайди дейсиз. Кўк билан бўйлашадиган, юлдузлар билан сирлашадиган бу улуғвор гумбазларни бунёд этиш учун қадимги усталар қанчалар кўп захмат чекишганини, неча-неча тунларни бедор ўтказишганини биз юракдап ҳис эта оламизми? Шохизинда, Бибихоним, Регистон, Гўри Амир ансамбллари салобатига салобат қўшган гумбазлар ва миноралар қандай усталар қўли билан яратилган экан? Биз уларнинг

номларини деярли билмаймиз. Лекин гап шундаки, ўша номаълум меъморлар, наққошлар, қошинкорлар, гишторлар бошлаган ижодий анъаналар нафаси бизнинг замонамизгача етиб келди.

Қадимги меъморчиликдаги машшақатли юмушлардан бири гумбаз шаклини топишдир. Гумбазни ишлашда ҳам равоқ ишлаш сингари уз қонун-қоидаларига риоя қилинмаса, ҳеч шубҳасизки, усталар ҳам, шогирдлар ҳам чалғиб кетишади. Мавжуд қоидага асосан, гумбаз ҳажми ва баландлиги ҳисобга олинади, кейин ички икки чети аниқланиб, тахт ерда юкоридаги ишланган форматга биноан чизиқ чизилади, энли тахта чизикда тўла текисланиб тарашланади ва равокнинг бошқа турларни ҳам шу тартибда ишланади. Меъморчиликда бу усулни линга деб аташади.

Гумбаз ишлашда усталарга линга ёрдамга келади. Гумбаз диаметрига қараб, иккала линга оралиги бир метрдан икки метргача бўлиши керак. Шу ўлчамда бир неча дона линга тайёрланади. Уларни ўрнатишдан олдин ўрни, яъни девор атрофи обтарози ёрдамида бир текисда тахтланади, сўнгра линганинг юққори қисми, яъни давра қисми девор ички қисмига текисланиб, қуйиладиган ўрни ҳар эҳтимолга қарши, линга устига минадиган юк ҳисобга олинган ҳолда мустаҳкамланади.

Самарқандга ташриф буюрган меҳмонлар аэропортдан шаҳар томонга йўл олар эканлар, уларнинг кўзлари аэропорт ва шаҳар оралиғида ясланиб ётган қир-у адрларга тушади. Баҳорда кўм-кўк, ёзда эса қовжираган ўт ўланлар билан қопланган бу қир ва адирларни маҳаллий аҳоли Афросиёб тепалиги деб атайди. Бу тепаликлар бағрида қадимги Самарқанднинг бир неча минг йиллик ўтмиши ухлаб ётибди. Бир пайтлар ҳаёт қайнаган, гуллаб яшнаган шаҳар бугун асрларнинг залворли юки остида кўмилиб ётибди.

II БОБ. МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАР БЕЗАГИНИ ТАЪМИРЛАШ

2.1. Меъморий ёдгорликларни таъмирлашда уста-шогирднинг ўрни

Таъмирлашда уста ва шогирддан бошлаётганимиз бежиз эмас. Бу икки сўз заминида қанча қанча чуқур маъно ва мазмун ётганлигини ҳар қандай киши чуқур ҳис этади.

Уста ва шогирд муносабатлари заминида азалдан жуда кўп гапирилади. Ҳатто улар олимлар, шоирлар бу икки сиймо орасидаги дўстлик, биродарлик, қон-қардошликни қаби самимий сўзлар билан ифодалайдилар. Менинг тасаввуримда, уста ва шогирд муносабатлари ота ва ўғил ўртасидаги илк; муносабатларнинг ўзига хос ҳаётий такроридир. Агар уста ўзидан кейинда муносиб, истеъдодли, билимдон, одамохун шогирд қолдирмаса, унинг ҳаёти, умри бекор ўтди, дейишимизга тўлатўқис асосимиз бор. Чунки ўша уста қанчалик буюк бўлмасин, ўз ишини қанчалик севмасин, тарихда, маданиятимизда қанчалик чуқур из қолдирмасин, агар анжом-аслаҳасини ишончли шогирдига ташлаб кетмаса, унинг эзгу ишларида тузатиш қийин кемтиклик кўзга ташланади. Ана шулардан келиб чикиб, таъмирловчи усталар, наққошлар, риштакорлар, кошинкорлар, ўймакорлар, тоштарошлар, дурадгорлар садокатли шогирдлар тарбиялаш хусусида астойдил қайғуришлари керак. Йиллар ўтган сайин қадимий-маданий ёдгорликларни таъмирлашга талаб кучаяверади. Бу таъмирлаш ишларини кенг қўламда олиб боришни, хусусан, уста ва шогирд ўртасидаги муносабатларни тагин ҳам чуқурлаштиришни, бу соҳага қизиқувчи ёшларни танлаш, уларга ғамхурликни кучайтиришни тақозо этади. Маълумки, меъмор-бинокор ва лойиҳаловчи иморатлар лойиҳасини яратувчи, уларнинг қурилишини назорат килиб турувчи мутахассислардир. Таъмирловчи уста вазифаси эса уларнинг ишига караганда анча қийин ва мураккаб бўлади. Таъмирловчилар ижодий меҳнат ва ижодий изланиш жараёнларида беҳад

кўп тўсиқлар, машақатларга дуч келишади. Лекин, барибир кийинчиликлар уларни чўчитолмайди. Улар бутун тажрибалари, маҳоратларини ишга солиб, вайрона холига келаёзган ёдгорликларга жон бағишлайдилар. Ана шу нуқтаи назардан олганда, таъмирловчи уста кўҳна иморат шифокоридир. Демак, у меъморчиликнинг турли қирраларидан воқиф бўлмоғи даркор. Таъмирловчи ҳам меъмор, ҳам муҳандис, ҳам наққош, ҳам ганчкор, ҳам кошинкор, ҳам дурадгор, ҳам лойиҳачидир.

Таъмирловчи уста ўзига топширилган вазифани астойдил, сидқидилдан, бекаму кўст ўринлатиши учун сира шошмасдан ҳаракат қилади. У аввало, ўз оталигига олган ёдгорликнинг архитектуравий тузилишини, конструкцияларини, қурилиш материалларини, унинг кўрки бўлган кошинларини ҳар жиҳатдан пухта ўрганади. У шунга эришиши керакки, таъмирланаётган безаклар, гул-ўсимлик типдаги нақшлар аввалгисига монанд бўлсин. Энг муҳими, уста таъмир лойиҳасига жиддий эътибор бериши, бу хусусда таниқли меъморлар, тажрибали ҳамкасблари билан ўзаро бамаслаҳат иш тутиши мақсадга мувофиқдир.

Ёдгорликларни таъмирлашда ишончли шогирдлар халқ; устасининг энг яқин ёрдамчисидир ва уста таъмирлашда шогирдларсиз ишлолмайди. Таъмирлаш жараёнида шогирдларига бу ишнинг сирларини кунт билан ўргатиб бориши лозим. Бунда, албатта, шогирднинг гўзаллик ва эзгуликка меҳри, санъатга, архитектурага мухаббати, эгалламоқчи бўлган ҳунарига қизиқиши ўам катта роль ўйнайди.

Уста ишни муваффақиятли олиб бориш билан бир қаторда бутун куч-ғайрати, билими, тажрибаси ва маҳоратини шогирдлар ҳар томонлама камолотга етказишга виждонан сарфлаши лозим. Уста ҳар қадамда шогирдининг касбни эгаллашга бўлган уқувини, юриш-туриши, хулқ-атвори, маънавий дунёсини, одамларга, дўстларига, ҳамкасбларига муносабатини кузатиб боради. Бундан ташқари, уста шогирдининг

қобилиятига, қандай вазифани қай даражада бажара олиш имкониятига ҳам меҳр бера олиши даркор. Уста шогирдлари орасида аста-секин энг истеъдодлилари ва билагонларини танлаб олади, уларни таъмир санъатининг катта оламига бошлаш учун бор меҳрини, мухаббати ва эзгу туйғуларини бахшида айлайди.

Уста ўз шогирди билан ишлашда ҳақиқий мураббийликнинг бўғиб булмайдиган қонун-қоидаларига риоя қилса, шубҳасиз, кутилган самараларни беради. У шогирдга вазифа беришдан олдин ба-жариладиган ишнинг мазмун-моҳияти ва мундарижаси билан уни астойдил таништириши лозим. Шундан кейин эса шогирд бажараётган иш устидан қатъий назорат ўтказиб туради, йўл қуйилган хатолар ва камчиликларни тузатишда биргаликда ишлайди, энг муҳими, бундай камчиликларни такрорламаслик йўл-йўриқларини кўрсатиб боради.

Хуллас, шогирд тайёрлаш устознинг олий даражадаги бурчидир.

ШОГИРДНИНГ БУРЧИ

Шогирд устознинг ўнг қул ёрдамчисидир. Хар қандай устоз ҳам бир пайтлар шогирд бўлган. Демак, шогирдларнинг устоз бўлишга интилишлари ҳаёт қонунидир; миллий меъморчилик ва бинокорлик анъаналарини, мураккаб, мукаммал ўрганишга, халқ усталари яратган бой, ҳаётбахш тажрибаларни эгаллашга интилиш шогирднинг асосий хислатларидан бири бўлмоғи керак; меҳрибон, талабчан, оққўнгил, инсофли устоз ўз шогирдига дастлабки кунларданок ўз маҳоратини, санъат сирларини ўргатишга кириша бошлайди. Шу ўринда улуг мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг қалбларимиздан чуқур жой олган машҳур байтини эсламоқ жоиздир:

Хак йўлида ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила,

Халки адо айламоқ мушкул эрур минг ганж ила.

Демак, уста эндигина тепапоя бўлаётган шогирдига меъморчилик, бинокорлик, наққошлик, ганчкорлик, тоштарошлик, ўймакорлик ёки

таъмир санъатининг илк сабоқларини меҳр билан ўргатаркан, шогирд бу машаҳкатли меҳнатнинг кадрига етмоғи, устоз ишончини оқлаш йўлида бир умр захмат чекиши, эзгуликка интилиши, устози бошлаган анъаналарни садокат билан ривожлантириши лозим. Сиз агар мен захматкаш уста, яъни устоз меҳнатини палапонларини темир қанот қилиш учун кеча-кундуз жон қуйдирадиган она қуёш меҳнатига ўхшатсам ажабланманг. Чинакам уста шогирдини темир қанот қилишга, уни мустақил ҳаёт қуйнига йўллашга интилади. Уста қалбидаги бу туйғуни менинг узим ҳам ёшлигимда бутун вужудим билан хис қилганман.

Ўсмирлик йилларимда, яъни халқ амалий санъатига меҳр қўйган дастлабки дамларимда ҳурматли падари бузрукворим мени Самаркандлик машҳур халқ устаси, ажойиб таъмирловчи меъмор уста Шамси Ғофуровга шогирдликка берган эди. Уста Шамси ўта камтар, оддий, камсукум инсон эди, аммо шогирдларини жон-дилдан севарди. Юрагимдаги гапни очик айтадиган бўлсам, у бор меҳри, билими ва ақлу заковатини шогирдларига баришлаган эди. Мен ана шундай зуккотаъб ва хушсухан инсон панохида камолга етганимдан ҳалигача фахрланаман.

Уста Шамси халқ амалий санъатининг барча мураккаб жиҳатларини жуда чуқур биларди. У шогирдларидан ҳам худди шуни талаб қилар, эринчоқ, ишга енгил-елпи қарайдиган, гузалликни севмайдиган, тарихий обидаларга менсимай кўз ташлайдиган йигитларни жини суймасди. У Алишер Навоийнинг:

«Хунарни асрабои нетгумдир охир,

Олиб тупроккаму кстгумдир охир»,

деган сермазмун мисраларини тез-тез эслаб турарди.

Мен бу камтарин инсоннинг ёқимтой, нуроний сиймосини, таъмирлашда у амалга оширган ишларни, шогирд тарбиялашдаги ғайратшижоатини бугун ҳаёлимда гавдалантирарканман, уста Шамси келажак учун, гўзаллик ва эзгулик тақдири учун қанчалик қайғурганлигини яққол

тушуниб турибман. Халқ маданий меросини асраб-авайлашга эътиборнинг ошаётганлиги уста Шамси сингари халқ усталари анъаналарини кун сайин ривожлантириш, шогирдларни тарбиялашда ғамхурликни кучайтиришни тақозо этади.

Бу фикрни шу мақсадда ўртага ташлаяпманки, айтишда республикамиз қадимий маданиятининг фахр-ифтихори бўлган гўзал шаҳарлар — Самарканд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Урганч, Тошкент ва бошқа кўпгина маълум ва машҳур кентлар, қишлоқларда ажойиб халқ; усталари яшамоқда ҳамда самарали ижод қилмоқда. Агар уларнинг ҳар бири иккитадан ёки учтадан келажакка муносиб шогирдлар тарбиялалса, улар қалбига халқ; амалий санъатининг азалий ва абадий анъаналарини сингдиришса, бизнинг ишимиздаги ютуқлар кўлами янада кенгайган бўлур эди ёки халқ амалий санъати соҳасидаги айрим унутиб юборилаётган ижодий анъаналар умри узаяди.

Устоз меҳри, муҳаббатига қонган, устоз ишончини қозонган шогирд меҳнати, фидокорлиги, чин сўзлиги, ижодга ишонбозлиги, изланувчанлиги ва ҳалоллиги билан азалий анъаналарга садоқатини намойиш этиши лозим. Зотан, талабчан, каттивдул, меҳрибон, зийрак қалбли устоз истеъдодли шогирди зиммасига жуда кўп муҳим вазифаларни юклайди. Бу вазифалар иш қондасига тўла-тўқис риоя қилиш, бажарилаётган юмушга астойдил меҳр қуйиш, меҳнат соати тугагандан кейин усталик асбоб-ускуналарини меҳр билан тозалаб қуйиш, иш жойини ва устахонани доимо тоза сақлашдан иборатдир.

Келажакда ўз ҳаёти ва тақдирини меъморчилик, бинокорлик, халқ амалий санъати муоммолари билан чамбарчас боғлашга аҳду-паймон қилган шогирд бошқалардан ажралиб турадиган шахсий инсоний фазилатларга ҳам эга бўлиши керакки, буларсиз ҳар қандай истеъдодли шогирд ҳам камолот поғонасига кўтарила олмайди. У аввало, меҳнатни севиши, ҳар куни ижодий изланиши, бой тажрибаларни эгаллашга

интилиши, меъморчилик ва таъмир анъаналарини астойдил эгаллаши, хуллас, теран акл-идроки, одамларга хурмат-эътибори билан тенгқурларидан ажралиб туриши лозим.

Шогирднинг асосий фазилатларидан яна бири — ўзи билмаган, тушунмаган нарсаларни устозидаи тортинмай, эринмай сўраб билиш ҳамда ўргаишдан иборатдир. Бу хусусда ҳам суюкли шоиримиз ҳазрати Алишер Навоийнинг қуйидаги байти бизга кўмакка келади:

Билмагани сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Маълумки, уста ва шогирд фаолияти уларнинг ҳамкорлиги нақадар мустаҳкамлиги билан белгиланади. Агар улар аҳилликда ишлашса, таъмирлаш муаммоларини биргаликда хал қилишса, тикланиши зарур булган обидани лойиҳалаштиришда фаол иштирок этишса, иш шунча тез, соз ва сифатли бажарилади. Иш сифати ва самарадорлиги оширишда, шубҳасизки, устахона жиҳозлари ҳам катта роль ўйнайди. Устахонани ўзига хос меҳнат штаби деб аташ ҳам мумкин. Бу ерда таъмирлаш ва реконструкциялашда ишлатиладиган қуроллар, кийим-кечак, бошка зарур анжомлар меҳнат эстетикасига қатъий риоя қилинган тартиб билан жойлаштиради. Айни вақтда устахона ижодий меҳнатдан сўнг маданий ҳордиқ чиқарадиган жой ҳам бўлиши керак. Шундай экан, бу гўша доимо тоза, озода, саранжом-сариштали тутилиши шарт. Бу ишда уста ҳам, шогирд ҳам баб-баравар жон куйдиришади.

Устахонада халқимиз азалдан ишлатиб келган, ўз ўрнида моҳирлик ва зуккотаъблик билан сайқал берилган анжом-аслахалар бўлиши лозимки, улар усталарнинг самарали ишлашлари учун асосий воситалар саналади. Бу аслахалар қуйидагилардан иборат: бир ва икки киррали теша, обтарози, шовул, газчуп, андава, элак, штургардон, патакбинди, 45, 90, 135 даражали гуния, ражжа, ганч қорадиган идиш. Уста ҳам, шогирд ҳам ана шу асбоб-ускуналардан турри, унумли, самарали ва эҳтиёткорлик

билан фойдаланиш йўллари билиши керак. Биз бўлғуси халқ усталарига — шогирдларга, бундан ташқари, таъмир санъати билан қизикувчиларга юқорида номлари саналган аслаҳалардан фойдаланиш йўллари ҳақида айрим зарурий маслаҳатларни беришни лозим кўрдик.

Ўзбек меъморчилигининг келгуси тараққиёти ҳар бир архитектордан оригинал ва муносиб формаларни топа билиш, бино қуриладиган табиий, ислимий ва маҳаллий шароитларни чуқур эътиборга олиб, халқ санъати анъаналарини ривожлантирган ҳолда ижод этиш, аynи вақтда, ҳақиқий новқатор бўлишни ҳам талаб қилади.

2.2. Меъморий ёдгорликларда композициялар

Меъмор рассом уста асарни бадий безакнинг яратаётган ва уни кураётганда композиция қонуниятларига мувофиқлигини, унинг инсон қандай қабул қилишини ҳам назарда тутиши лозим. Асарнинг мавжуд шаклли нисбатлари ва уни қабул қилиш устанинг ижодий иши учун катта аҳамиятга эга. Турли хилма-хил меъморчилик асарларига қўйилаётган талабларни бирлаштириш учун бино, бино комплекси, шаҳар-яхлит организмга айланади. Уларга зарур эмотсионал ифодани бериш учун меъмор қонун қоидаларни билиши зарур. Композиция сўзи икки маънони англатади. Бу сўз “компоновка” -меъморий лойихалаштиришга нисбатан қўлланилган композиция, бу ўлчовнинг бирлигини тўғри танлаш ва уни атроф муҳитга, шаклга нисбатан кенлик ва баландлик мутаносиблигини сақлаш ва уларни тўғри жойлаштириш.

Бадий асар яратилаётганда композиция қонуниятлари ҳисобга олинади ва қўлланилади. Композиция устида ишлаш меъморий ва амалий санъат асарларида лойихалаш деб аталади. Бадий ижодиётда меъморий безак асарларини яратаётганда лойихаштириш ўзининг барламчи ҳомаки эскизларини бажариш босқичида, бинонинг умумий шакли ва унинг турли таркибий қисмларининг композицион ечимини бажаришда яъний уни яхлитликка келтиришда муҳим роль ўйнайди.

Меъморий композициялар - бу лойиха ва маскур архитектура объектини яратиш тизимидир. Меъморий композициялар меъморчиликда шакли қурилишларини ҳамда мазмун ва шакли яхлитлигига эришиш воситаларини умумий қонуниятлари ҳақида ўргатади. Меъморлар бинонинг умумийлигини уч томонлама белгилайдилар. Бир томондан, қулайлик ва фойдалилик, иккинчидан чидамлилик ва тежамкорлик, учинчидан шакл гўзаллиги. Меъморий композиция бинонинг барча ташқи ва ички унсурларини ўзаро келишилган уйғунлик ва ягона яхлитликка

келтирувчи, маълум қонунлаштирилган ҳамоҳанглиги ва ўрнатилиши деб аталади. Тартибли жойлаштирилган бир неча ва кўпгина биноларни, шунингдек уларнинг ташқи кўлами билан ҳамоҳанглиги ундан ҳам мураккаб композиция мажмуани ташкил этади.

Шундай қилиб кенг маънода композиция маълум асарнинг бадиий тизими, аниқ мазмундан келиб чиқувчи ва маълум бадиий ғоявий – фикрни очиқ берувчи, шаклларнинг бадиий ифодаланган тизими деб тушунилади. Меъморий композиция назарияси мазмуни, меъморий асарнинг ягоналигини ва турли хил ҳамда мақсади иншоотлардан умумий шакл яратиш қонуниятларини ўрганишдан иборат. Унинг вазифаси уйғунлашган, бадиий ифодаланган асарларини яратишга муойиллик қилиш. Композиция – бадиий асарнинг қурилиши деб аталади. Унинг мазмуни ва муоҳиятини белгилайди. Композиция бу барча бадиий шаклни ташкил этувчи, асарда ягоналигини ва яхлитликни таъминлайди.

Меъморий композицияларнинг уч тури мавжуд: фронтал, ҳажмли ва фазовий чуқурлик. Меъморчиликни бошқа санъатлардан ажратиб турувчи асосий омил, инсон ҳаёти учун зарур фазовий муҳитни яратишдир. Турли ҳаётий жараёнлар ўз кўламида турли табиий шароитларни ва тайинли маҳсус жойларни талаб этади. Меъморчиликда кўламни ташкил этиш бу асарнинг вазифалари билан жамбарчас боғланган. Шунинг учун функционал вазифалар ечими асосида тикланадиган фазовий-ҳажмий композицияни табиий ичкаридан ташқарига қараб қурадилар. Бу кўламни чегараловси моддий қатлам-бино ҳажмини, ички кўлам уйғунлигини ҳажмий фазовий тизим-композицияни ташкил қилади. Барча бинолар турлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлган кўламни ташкил этади. Кўп қаватли турар жой уйнинг ҳажвий фазовий тизими, масалан вертикал ва горизонтал такрорланувчи бўлмалардан иборат.

Меъморчилик услуби ижтимоий, техникавий ва бадиий тараққиёт мақсулидир. Услубсиз архитектура бўлмайди. Шундай экан, ҳар қандай

меъморчилик услубининг социалистик воқеликда ўрин олиши биз учун бефарқ эмас. Мамлакатимиз меъморлари кейинги йилларда самарали ижод қилиб, ҳақиқий социалистик меъморчилик услубини намоёиш этадиган қатор бинолар, ансамбллар, шаҳарлар яратдилар. Бу бинолар шаклан ва мазмунан замонавий, қавдоний ва кўркем. Мазкур биноларда коммунистик жамият идеаллари ифодасини кўрамыз.

Услуб муштараклиги ҳамма ерда ҳам архитектура бир хил ўхшаш бўлади, деган маънони билдирмайди, албатта. Масалан, ҳозирги бунёд этилаётган ўзбек меъморчилиги асрлар давомида халқимиз яратган ажойиб меъморчилик санъатидан баҳраманд бўлиши керак. Шундагина мазмунан социалистик ягона меъморчилик услуби шаклан бой ва рангоранг маҳсул беради. Акс ҳолда, ҳамма жойда бир хил биноларни кўрган бўлар эдик. Индустриал қурилиш мислсиз кенгайиб бораётган бир вақтда умуман интернационал характерда бўлган ҳозирги замон архитектурасининг ана шу ўзига хос томонини белгиловчи миллий хусусиятларга эътибор бериш зарур.

III БОБ. “АБДИДАРУН МАҚБАРАСИ”НИ БАДИЙ БЕЗАКЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ЛОЙИХАСИ

3.1. Мақбаранинг бадий безакларини таъмирлаш лойиҳаси

Меъморий ёдгорликни таъмирлашда энг аввало уни сақлаб қолиш ва фойдаланиш учун ёдгорликни таъмирлаш усули тўғри ва аниқ танланмоғи керак. У консервация қилинадими, қисман консервация ва қисман реставрация қилинадими ёки тўлиқ таъмирланадими, агар ёдгорлик тўлиқ таъмирланса ундан қандай фойдаланилади ва у қандай мақсадларда мослаштирилади ёки объект музейлаштириладими? Бу саволлар аниқ ечилиши шарт. Шундан кейингина амалий ишга, яъни таъмирлаш лойиҳасини бажаришга киришилади.

Таъмирлаш лойиҳаси кабинетда эмас, балки объект билан узвий алоқада, натурал аниқликларда бажарилиши керак. Бу ишдаги энг биринчи тамойил бу лойиҳани бажаришда таъмирлаш материаллари ва ашёларини тўғри танлаш ҳамда, энг асосийси, лойиҳада таъмирланаётган ёдгорликнинг аслигига, яъни тарихийлигига эришишдир. Лойиҳа тайёр бўлгач уни амалга оширишда, яъни ёдгорликни таъмирлашда ҳар қандай шароитда ҳам таъмир суръати ва унинг муддатини тўғри режалаштириш, таъмир ишларида ҳеч қандай шошма-шошарликка, хаспўштликка йўл қўймаслик, энг асосийси, ишни сифатли ва ўта масъулият билан бажармоқ лозим. Бунинг учун эса қўлланаётган материалларнинг сифатига, уларни тайёрлаш савияси, технологиясига катта эътибор берилиши керак. Таъмирчи уста ишни қанчалик тўғри ва сифатли бажармасин, агар у фойдаланётган таъмир материалларининг тайёрланиш сифати паст бўлса, усталарнинг ҳаракатлари зоя кетиши мумкин.

Меъморий ёдгорликни таъмирлашни лойиҳалаш ва уни амалга оширишда бино тоmidан ички қурилмалар ва деворларга намликнинг ўтиб кетмаслик чораларини, ер ости сизот ва шўр сувларнинг эса

пойдевордан юқориги қисмларга ўтишига йўл қўймаслик ҳамда зилзилабардошлик чораларини кўрмоқ керак.

Бунда энг синалган анъанавий тарихий услуб - “хатаба” усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу услуб орқали меъморий ёдгорликни чидамлилиги, мустаҳкамлигига эришиш, пардоз ишларида эса тежамкорликка эришиш мумкиндир.

Маълумки, меъморий ёдгорликнинг таъмир лойиҳаларини тайёрлаш жараёни ўта мураккаб, масъулиятли ва кўп вақт олувчи жараёндир. Бу ишни анъанавий лойиҳа тахтаси ва чизма қоғозда бажариш тобора эскирган услубга айланиб бормоқда. Ушбу жараённи осонлаштириш мақсадида лойиҳачи меъморлар ва таъмирчи архитекторларга машина графикасининг автоматлаштирилган техник воситалари, электрон компьютер техникаси ёрдамга келмоқда. Чет эл лойиҳаси амалиётида бундай электрон тузилмалар аллақачон муваффақиятли қўлланилмоқда. Бизда, Ўзбекистонда ҳам меъморий ёдгорликларни таъмирлаш лойиҳаларини бажаришда ана шундай компьютерлаштирилган график тизим ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва қўллаш мақсадга мувофиқ ва давр талабидир.

Ишратхона биносини мақбара биноси дейилиши хатодир. Бундай хатонинг пайдо бўлишига биринчидан бино ичидаги тағхонага кейинги даврларда 20 дан ортиқ қабр қазилганлиги ва иккинчидар В.Л.Вяткин топган Ҳабиба Султонбегим вақфномаси сабабчидир. Вақфномада Хованд Султон бека қабри янги қурилган Феруза гумбазли иморат ичида бўлиб, бу мақбаранинг Хўжа Абду Дарун мозори билан ёнма-ён эканлиги ва унинг ғарб томонида Боғи Феруза жойлашганлиги тўғрисида хабар қилинади. Шу хужжатга асосланиб В.Л.Вяткин ва бошқа текширувчилар (М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова, ва бошқалар) Ишратхона биносининг Хованд Султон бека мақбараси деб аташган. Ваҳоланки, вақфномада сўз Хўжа Абду Дарун мақбарасига ёндош гумбазли, ҳозир ҳам сақланган

бино ҳақида бораётганига ҳеч ким эътибор бермаган. Бу бинонинг ҳам Феруза гумбази бўлган, лекин асрлар давомида гумбаз кошнлари деярли тўкилиб кетган. Шунинг учун ҳам унинг аслида феруза гумбази сезилмаган бўлса керак.

Абди Дарун меъморий ёдгорлиги ҳар хил табиий талофатлар, урушлар оқибатида юзага келган ҳолатини оладиган бўлсак, жуда ҳам аянчли ҳолга келиб қолган. Бу жараёни тўхтатиб, бино безакларини тиклаш биздан талаб этилади. Бу безакларни тиклаш учун шу даврда қилинган ёдгорликларнинг безаклари кўриб чиқилади, бундан ташқари шу давр усталарининг ишлари намуна сифатида кўздан кечирилади. Илмий ишлар кўрсатган натижага асосан безак нақшларининг йўқ бўлиб кетган қисмлари шу даврда қурилган биноларнинг нақшларига ҳам намуна сифатида ишланади.

Ушбу битирув малакавий ишида ўзининг даврида фойдаланилган ранглар ҳалигача ўз сифатини ва рангини сақлаб қолганлиги, уларни қайта тиклашга имкон беради. Маълумки диний биноларни Самарқандда мовий рангдаги гумбазлари беаб турган. Мазмунан “осмонга яқин” дея ифодалаш учун Абди Дарун мақбарасида ҳам шундай гумбазни кўрамиз. Гумбазнинг соф кўриниши деярли сақлаб қолинган. Шунинг билан бир қаторда Абди Дарун мақбарасининг бизгача сақланиб қолган бадий безакларини асл ҳолига яқинлаштирилган ҳолда таъмирланиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Таъмирлаш жараёнида тарихий маълумотларга суянган ҳолда таъмирлаш жараёнини олиб бориш ва ҳар бир бажарилган иш босқичма-босқич олиб борилиши керак.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун ёдгорликнинг амалий чизмаларини планшетда амалга ошириш талаб этилади. Қуйидаги ана шу вазифаларнинг амалга оширилган жиҳатларининг кетма-кетлиги тақсимлаб ўтилади:

1-планшет. Титул вароғи ҳисобланган бу планшет битирув малакавий иши поспорти, яъни олий ўқув юртининг, факултетнинг, кафедранинг ва мутахасисликнинг тўлиқ номи, штрих рақами, шунингдек кафедра мудир, битирув малакавий иши раҳбари, лойиха ва ашё раҳбари, дипломат номлари қайд этилган.

2-планшет. Ушубу планшетда аксонометрия ва мақбаранинг тўлиқ кўриниши тасвирлаганман.

3-планшет. Бу планшетимда эса мақбаранинг мавжуд ҳолатида асосий пештоқ ва китоба йўқ. Шунинг учун таъмирдан кейинги ҳолатида, айрим қолдирилган маълумотлардан фойдаланиб ва услубий ҳолатини сақлаган ҳолда тикланган ҳолатини кўрсатишга ҳаракат қилдим.

4-планшет. Навбатдаги планшетимда шунингдек 2 та кичик пештоқларнинг бирини ҳам тикланди. Ўзининг даврида фойдаланилган ранглар ҳалигача ўз сифатини ва рангини сақлаб қолганлиги, уларни қайта тиклашга имкон беради. Маълумки диний биноларни Самарқандда мовий рангдаги гумбазлари беэаб турган. Мазмунан “осмонга яқин” дея ифодалаш учун Абди Дарун мақбарасида ҳам шундай гумбазни кўрамиз. Гумбазнинг соф кўриниши деярли сақлаб қолинган.

5-планшет. Бу планшетимда эса кичик пештоқнинг кўринишини тасвирладим.

6-планшет. Навбатдаги планшетимда ёғоч шифтнинг интерьериде ўзгача безак бериб турган шифтда асосан тилла, ультрамарин, қизил ва яшил ранглардан фойдаланилган бўлиб, улар ҳалигача сифатини йўқотмаган шунингдек қадимий Самарқанд анъанасига кўра ўсимликсимон безаклардан фойдаланилган. Маълумки ўсимликсимон нақшлардан “ердаги жаннатни” ифодалаш учун фойдаланилган. Марказини олти қиррали юлдуз беэаб турибди.

7-планшет. Ушбу аналогия юқоридаги шифтнинг айрим Самарқанд ва Фарғонадаги шифтлари билан таққослаб ва ўхшаш жиҳатларини кўрамиз.

Таққаослаш учун Қўқон Жомеъ масжиди, Самарқанддаги масжид олтиариқ Дўсти Худо масжидининг безакли потологларида фойдаландим. Уларнинг безаклари айнан Абди Дарун мақбарасидаги ёғоч шифт безакларига жуда ҳам ўхшаш, яъний ўсимликсомон нақшлардан геометрик шаклларнинг ислимий шакллар билан моҳирона бириктириб чизилганлигидан кўриш мумкин.

8-планшет. Сўнгги платшетим ишимиз тадқиқодлар натижасини акс эттирувчи керамика. Ушбу бажарилган иш бино гумбази нақшларининг ашёдаги амалий кўриниши.

3.2. “Абдидарун мақбараси”нинг бадий безакларида акс этган воситаларнинг қўлланилиш таҳлили

Самарқанд Хўжа Абду Дарун мақбараси XII аср XV асрнинг биринчи яримида Самарқанд қалъа деворининг шарқий томонида (дарун - ичкари) жойлашган қадимги зиёратгоҳдир. унинг марказида энг йирик бино – хонақоҳ (XV аср) кўзга ташланади. Унинг пештоқи, гумбази ва деворининг езақлари Улуғбек даври меъморлиги маҳсули эканидан дарак беради. Хонақоҳнинг ичида IX асрда яшаган авлиё, аллома Абду Маъзиддиннинг қабри бор. Хожа Абду Дарун падари бузрукворларининг номи Хожа Абдуқодир ас – Саид (Хожа Абду Берун) бўлиб, Самарқандда ҳокимлик қилган. Хожа Абду Дарунни Хожаи Кунж деб ҳам атаганлар. Хожа 247 ҳижрий йилнинг зулқайда ойида (миллодий 861 йил май ойи) вафот этган.

Ўзбекистоннинг буюк ўтмишини ўзида акс эттириб келаётган маданий ва бадий меросни нафақат сақлаб қолиш, балки замонавий муҳитга тегишли равишда уйғунлаштира билиш керак. Тарихий ёдгорликларнинг умумий ҳажми бугунги кунда шаҳар структурасида камайиб кетаяпти.

“Абдидарун” тарихий ёдгорлиги заминидаги грунтларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу иншоот остида муҳандис-геологик нуқтаи назардан мураккаб ва ноқулай бўлган ҳар хил жинсли турли намлик ва ҳолатдаги грунтлар ётади. Йирик ғовакли бундай грунтларда намликнинг ошиши ҳар доим иншоотнинг қўшимча равишда ёдгорликнинг чўкишига олиб келади. Иншоот замининг узок даврлар мобайнида давом этувчи физикавий ва механикавий хусусиятларнинг ўзгариши ёдгорлик ҳудудидаги замин грунтларининг ўта мураккаб муҳандис-геологик ва гидро геологик кўрсаткичлари, шунингдек бино атрофи ва устки қисмини сув таъсиридан ҳимояланмаганлиги натижасидадир.

Абдидарун ўзининг нафақат ўзининг нақшу-нигорлари, балки конструктив ечимлари билан ҳам темурийлар даври обидалари ичида энг ноёб бинолардан бири эканлиги билан ажралиб туради. Бино қўшгумбазли бўлиб, унинг устки гумбази баланд гардиш устига ўрнатилган, пастки гумбази эса катта миён-сарой устини ёпиб турувчи “линг-зарба” қурилмаси ёрдамида ҳосил қилинган мураккаб, айти пайтда ўта ноёб ва гўзал ички гумбаз билан безатилган. Афсуски, бу гўзал (ташқиси кошинкорий феруза рангда, ичкиси муқарнаслар тизимидаги нақшлар билан безатилган) гумбазлар вақт ўтиши билан объектив ва субъектив сабабларга кўра қулаб тушган ва ҳозирда сақланмаган.

2004 йилда тасдиқланган шаҳар ҳудудини лойиҳалаш меъёрий ҳужжатларда маданий ёдгорликларни меъморий лойиҳалаш тадбирлари шаҳарнинг бош режасини лойиҳалашда алоҳида қисмини ташкил этиши керак ва тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилиш инспекцияси билан тасдиқланган бўлиши кераклиги тасдиқлаб ўтилган. Ёдгорлик атрофида ҳимоя ҳудуди ёки қурилишларни назорат қилиш ҳудудини ташкиллаштириш керак.

Ҳимоя ҳудудини ташкиллаштиришнинг асосий бош мезони тарихий шаҳарларнинг ўзига хос меъморий жиҳатларини, тарихий структурани сақлаб қолиш ва замонавий қурилишларни тарихий, шаклланиб бўлган шаҳар ҳудуди билан композицион мувозанатга келтиришдан иборат. Меъморий ёдгорликни сақлаб қолиш ва замонавий шаҳар ансамбли билан лойиҳавий композицион муносабатларини уйғунлаштириш учун ҳар бир меъморий ёдгорлик хусусий ёндашувни талаб қилади. Бу борада кўриб чиқиладиган асосий масалалар: қайта таъмир (реконструкция), реставрация, консервация (ёдгорликни ўз ҳолида сақлаб қолиш), ҳудудни ободонлаштириш ва сайёҳлар маршрутига киритиш. Бу масалалар ҳар бир тарихий ёдгорлик учун долзарб муаммолар бўлиб, меъмордан чуқур изланишлар ва мукамал лойиҳаларни талаб қилади.

Тарихий ёдгорликни сақлаб қолишда унга ётарли шарт шароит яратиш учун ҳимоя ҳудуди, ёдгорлик атрофида қурилишни назорат қилиш ҳудудини, ёдгорликни ҳимояланган ҳудуди ва, ниҳоят, зарур бўлса ёдгорлик атрофидаги ландшафтни ҳимоялаш ҳудудларини ташкиллаштириш керак.

Ҳимоя ҳудуди авваламбор тарихий объект ва уни ўраб турган муҳит билан лойиҳавий композицион муносабатни мустаҳкамловчи алоқа вазифасини ўтайди. Ҳимоя ҳудуди меъморий объектни меъморий бадий хусусиятларини тўла очиб берадиган ҳудудни ва объектдан замонавий мақсадларда ишлатиш учун ётарли бўлган ҳудудни ўз ичига олади. Ёдгорлик атрофида қурилишни назорат қилиш деганда ёдгорликнинг атрофидаги тарихий муҳитни сақлаб турувчи ҳудуд назарда тутилади. Бунда асосий эътибор тарихий объектни визуал йўқолиб қолишига йўл қўймасликка қаратилган. Ёдгорлик атрофидаги ландшафт эса қўрилаётган меъморий ёдгорликни тарихий муҳити ва унинг функциясини йўқотмаслик учун ташкиллаштирилиши лозим.

ХУЛОСА

Юксак маданиятимиз намуналари бўлмиш меъморчилик ёдгорликларини кўз қорачиғимиздек сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Талофат кўрган обидаларни асл ҳолига қайтариш шарафли, муқаддас ва, айти пайтда, маъсулиятли ишдир.

Бу борада республикамизда, айниқса юртбошимиз И.А.Каримов ташаббуслари ва раҳнамолигида амалга оширилаётган юмушлар саноғининг адоғи йўқ. Буюк ўтмишни ўзида акс эттириб келаётган маданий ва бадиий меросни нафақат сақлаб қолиш, балки замонавий муҳитга тегишли равишда уйғунлаштири билиш керак. Тарихий ёдгорликларнинг умумий ҳажми бугунги кунда шаҳар структурасида камайиб кетаяпти.

Олиб борилган тадқиқот таҳлили, мавзуга оид илмий адабиётлар, фактологик материаллар, ҳужжатлар таҳлили натижасида битирув малакавий ишининг якунида қуйидаги хулосалар юзага келди.

Тадқиқот ишида Ўзбекистонда ёдгорликларни замонавий консервация ва реставрация босқичлари фаолияти турли хил илмий ишлаб чиқилган услублар ҳамоханглигида ишлатилиши, асосий реставрация услублари консервация, фрагментал реставрация ва муайян реставрация услубларида амалга оширилиши, консервация услубида ёдгорликнинг муҳофазага олиниши, маданий қатламлари мукамал ўрганиб чиқилиб, шу асосда ёдгорликнинг аҳволи аниқлаштирилган.

Мутахассисларининг фикрича, обидани тўлиқ қайта тиклаб бўлмайди, шунинг учун уни “реставрация” эмас, балки “консервация” қилиш зарур, яъни уни ҳозирги ҳолича сақлаб қолиб, ортиқ нураши ва бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш мумкин, холос. Мен бундай фикрга қўшила олмайман. Абдидарундек такрорланмас гўзал

обидани келажак учун ҳозиргидек аянчли кўринишда сақлаш мутлақо мумкин эмас. Самарқандлик таъмирчи усталар аҳволи Абдидарундан ҳам беш-баттар ёмон бўлган обидаларга жон киритгаларига ҳаммамиз гувоҳ бўлганмиз.

Самарқандда XVII асрда қурилган меъморий ёдгорлик – Нодир Девонбеги мадрасасини эслайлик. У бир вақтлар вайрона ҳолга тушиб қолганда Самарқандлик таниқли уста, таъмирчи меъмор Абдуғаффор Ҳаққулов уни аслидек қилиб қайта тиклаш ва таъмирлашни ўз бўйнига олиб, ташаббус билан чиққан эди. Ўшанда вилоят раҳбарлари устанинг ташаббусини маъқуллаб, мадрасанинг таъмирлаш лойиҳасига буюртма берганди. Лойиҳа Тошкентдаги “Ўзтаъмиршунослик” институти томонидан бажарилган эди. Уста меъмор А. Ҳаққулов лойиҳачи меъморлар билан маслаҳатлашиб лойиҳага қатор ўзгартиришлар киритган. Унинг барча эътирозлари қабул қилиниб лойиҳа қайта ишланган. Мана шундай ижодий ҳамжиҳатлик натижасида уста меъмор ўз шогирдлари билан Нодир Девонбеги мадрасасини тўлиқ қайта тиклаб, аслидай кўринишда таъмирлашга муваффақ бўлган.

Бугунги кунда обидани кўришга келганлар унинг бир вақтлар ҳароба аҳволда бўлганлигига сира ҳам ишонишмайди. Уста А. Ҳаққулов ўшанда ёдгорлигини ҳам тўлиқ таъмирлаш ташаббуси билан чиққан эди. Бироқ, ўша пайтлар ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлаш учун етарлича моддий имконият бўлмади. Бунинг устига бевақт ўлим таниқли устани орамиздан олиб кетди. Бугунги кунда устанинг шогирди ва ўғли, тажрибали таъмирчи меъмор Абдуқаххор Ҳаққулов ўз отасининг орзусини амалга ошириш ниятида.

Мен шахримизда Ўзбекистон қаҳрамони, таниқли таъмирчи уста Мирумар Асадов ва унинг шогирдлари ҳамда Абдуқаххор Ҳаққуловдек қўли гул усталар бор экан ёдгорликларимизни сақлаб қолиш учун тегишли маблағ топилса, уларнинг қайта тикланиб тўлиқ таъмирланиш

имкониятига ишонаман. Бунинг устига Самарқандда ўз касб кори билан таъмирчи меъмор сифатида тан олинган мутахассислар тажрибаси етарлича.

Баён этилган хулосалар асосида барча керакли чоралар амалий ишда кўрилган. Бу услубда объектнинг асоси, конструкцияси, мустаҳкам структураси ва ҳарорат намлиги муқобил равишда таъминланди. Бунда объектнинг қадимий зарар кўраётган қисмларига ҳам катта аҳамият қаратилади. Агар консервация ва реставрация қиланаётган объектни ташқи муҳит таъсирида тез емирилиши кузатилса, у ҳолда мутахассислар унинг тарихий – бадий жиҳатларини ҳисобга олиб, дарҳол тегишли чоралар қўлланилиши аниқланди.

“Абдидарун” тарихий ўзига хос меъморий жиҳатларини тарихий структурани сақлаб қолиш ва замонавий қурилишларини тарихий, шаклланиб бўлган шаҳар ҳудуди билан композицион мувозанатга келтиришдан иборат. Меъморий ёдгорликни сақлаб қолиш ва замонавий шаҳар ансамбли билан лойихавий композицион муносабатларини уйғунлаштириш учун ҳар бир меъморий ёдгорлик хусусий ёндашувни талаб қилади. Бу борада кўриб чиқиладиган асосий масалалар қайта таъмир (реконструкция), реставрация, консервация (ёдгорликни ўз ҳолида сақлаб қолиш), ҳудудни ободонлаштириш ва сайёҳлар маршрутига киритиш. Бу масалалар ҳар бир тарихий ёдгорлик учун долзарб муаммолар бўлиб, меъмордан чуқур изланишлар ва мукамал лойиҳаларни талаб қилади.

Қуёш нурида товланиб, кўзни қамаштиргудек жилва бериб турган хилма-хил ранги кошинлар гўзаллик ва жозиба кашф этади. Эшикларга ўйилган турли нақшлар, дарчалар тепасидаги ганч ёки мрамрдан ўйиб ишланган панжаралар, деворларнинг пастки қисмига ўрнатилаган мрамртошларнинг ўймакор нақшлари ва кўкка бўй чўзган минораларнинг қомати, уларга мутаносиб ишланган хилма-хил гуллар

бир вақтлар Шарқда маданият жуда юксак бўлганлигидан далолат беради. Қўли гул усталар яратган санъат дурдоналари кишиларга эстетик завқ бағишлайди ҳамда уларни ахлоқий тарбиялашда муҳим восита ролини ўйнайди. Ёдгорликдаги қуёш нурида товланаётган сиркор қошинлар, нафис нақшу нигоралар, беихтиёр кишиларни ўзига мафтун этади. Бу нақшу нигоралар бир неча асрлар муқаддам яратилган бўлсада, ҳозиргача ўз нафосатини, кўркини ва нафислигини йўқотмаган.

Юксак маданиятимиз намуналари бўлмиш меъморлик ёдгорликларини кўз қорачиғидек сақлаб қолиш ва келажак авлодга етказиш ҳар бир кишининг бурчидир. Шундай кўплаб илиқ сўзлардан илҳомланган тажрибали, билимдон усталар ўз тажрибаларини илмий асосда оммалаштириб, малакали шогирдлар тайёрлаш ва улардан камарбаста усталар етиштириш борасида тинмай меҳнат қилмоқдалар. Тарихий шаҳарларимиз бўлмиш Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий қадамжоларда қад кўтариб турган меъморий обидаларни таъмирлаш муаммолари хали ҳамон давом этмоқда. Айниқса, Темурийлар давридан кейинги бунёд этилган тарихий обидалар ва маданий ёдгорликлар бу воҳанинг қадимий бошқа Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм ва бошқа тарихий шаҳарлари қаторидан ўрин олганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бу воҳанинг ўнлаб маданий ёдгорликларини кузатар эканмиз, улар ўз даврининг билимдон меъморлари томонидан тинимсиз изланишлар ва тунларни кунларга улаб ижод этганликлари сабабли бунёд этилгани ва сайқал топганини кўрамиз. Дарҳақиқат, уларнинг иш услубларини нозик диди билан таҳлил қилсак бундай нафосатлар оламининг замирида ҳукмроннинг талабчанлиги ва характери акс этганлигини сезамиз. Чунки ҳукмроннинг талабчанлиги ҳар бир бунёдкорликда ўз таъсирини қолдириш билан бирга биноларга ҳам умрбоқийлик бахшида этган.

АТАМАЛАР РЎЙХАТИ

Арса – саҳи, бино қуриладиган майдон, ер саҳни, чегара.

Безак – нақш, зеб-зийнат, пардоз, меъморий безак. Меъморий бинолар-да турли хил безаклар кенг қўлланилади.

Битик – ёзув нақш – бино, тошларга ишланган тарихий ва диний ёзувларининг умумий номи.

Гумбаз – кубба шаклидаги том, тарҳи айлана, тўғри тўртбурчак ва бошқа шаклидаги бино ва иншоотларнинг ярим шарсимон ишланган томи.

Кўшк – (кўчик), тўрт устунли, томи қуббали асосан ёғоч ва қамишдан қурилган енгил қурилма; 1) боғ чеккасидаги зебу зийнатли айвон. Кўшклар қадимда арава устига ҳам ўрнатилган; 2) сарой, қаср; кейинчалик мураккаблашиб, кўп хонали ҳашаматли кўшклар қурилган.

Обида – 1) ёдгорлик, қадимият қолдиғи; 2) қабр устига ўрнатилган ёдгорлик.

Чорбоғ – атрофи девор билан ўраб олинган қўрғонли боғ.

Меъморчилик – (архитектура), бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва безатиш санъати.

Меъмор – бинокор уста, банно, муҳандис; иморат ва иншоотларнинг лойиҳасини яратувчи ва уларнинг қурилишини назорат қилиб турувчи бош мутахассис.

Муҳандис – хандаса устаси. Бинокор уста (инженер), лойиҳа санъатини эгаллаган, гириҳ тузиш йўллари билимдони.

Сангтарош – қадимда тоштарош.

Мусаввада – чизги, эскиз; лойиҳа чизмасининг қораламаси. Халқ меъморлари кўли билан чизилган турли хил мусаввадалар сақланиб қолган.

Кундал – бўртма безак тури. Усули: елимли ганч шакл устидан бир неча марта суртилади, қизил кесак лойи асосида бўртма гул ясагач, устидан мўйқалам биланранг ва зарҳал берилади.

Кошин – 1) бино безаги учун маҳсус пиширилган сиркор мўрт сопол бўлаги. Юзаси пирлангандан кейин яна бир марта хумдонда пиширилади. 2) кесма кошин.

Мармар – меъморчиликда ишлатиладиган қимматбаҳо зийнат тоши.

Тарх – бино лойиҳаси; турли ҳажимдаги буюм ёки қурилма (муқапнас, гумбаз каби)ларнинг тексликдаги ифодаси (горизонтал проексияси).

Тагхона – ертўла, сардоба, бино остидаги хона.

Қазноқ – қадимда омбор.

Даҳма – 1) қабр устига ўрнатилган ёдгорлик, сағана, мақбара; 2) мажусийлар (зардуштийлар) даврида мурда қўйиб қурилган маҳсус супа, хона.

Синчкори – бино (уй-жой)нинг ўзаро маҳкамлайдиган айрим ёғочлардан иборт негизи (“қобирға”си). Бинонинг мустаҳкамлиги, турғунлиги кўпга чидамлилигини оширади ва шаклини белгилайди. Синчларнинг тагсинч, устун, ховон (хованда), тепасинч (сарров), бачки ва бошқа қисмлари бор. Оғирлик тушувчи ташқи девор қўшсинч, ички девор тўсиқлари якка синч қилиб ишланади. Тагсинч тепасинч (сарров)га синч билан ўйиқ ва тирноқлар ёрдамида бириктирилади. Синчлар орасига ғишт гувала ва бошқалар уриб девор ҳосил қилинади.

Нақшинкори – безакли, нақш билан безатилган.

Устун – бинонинг алоҳида ўрнатиладиган таянч қисмларидан бири, томни кўтариб туришга хизмат қилади, ғишт, тош асосга ўрнатилган пойустунга қўйилади. Дарахт танасидан, ғишт, тош ва бошқалардан тайёрланади. Асрлар давомида шаклан ўзгариб борган, юксак бадиий кўринишга эга бўлган. Шу туфайли давр услуби тараққиётини кўрсатувчи

асосий белгилардан ҳисобланади. Бадий талқинда одам гавдасига қиёс этилади.

Лангархона – 1) кавонсаройнинг бир тури, мусофирхона; 2) камбағал, етим-есирларга овқат бериладиган жой, ғарибхона.

Банно – (Бони, Боний), меъмор, бинокор уста.

Равоқ – бинонинг ичи ёки олдидаги ярим доира қилиб ишланган қисмлари. Тепаси суйри, давра шаклида ясалган токча, йўлак, тахмон.

Изора – деворнинг токча билан бино саҳни орасидаги пастки қисм; шу қисмга ишланадиган безак.

Пойдевор – бино деворининг остки таянч қисми.

Миёнсарой – 1) марказий хона, ўрта хона; 2) масжид, мадрасаларга кираверишдаги далон.

Хонақоҳ – 1) гумбазли катта бино, хона; 2) масжиднинг кенг ва катта хонаси; 3) хонақоҳларда зиёратчилар учун қурилган жамоатхоналар, ҳужралар ҳам шундай аталган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. И.А.Каримов. “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз”. 7-том. Т-1999.
 2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият-енгилма куч”. Т-2007.
 3. Қ.Усмонов, М.Содиқов, Н.Обламуродов. “Ўзбекистон тарихи”. 1-қисм. Т-2002.
 4. Қ.Усмонов, М.Содиқов, С.Бурхонова. “Ўзбекистон тарихи”. Дарслик. Т-2000.
 5. Г.А.Пугаченкова. “Темурнинг меъморий мероси”. Т-1996.
 6. Ахмедов Б. А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т., 1991.
 7. Фахретдинова. Д.А. Декоративно-прикладное искусство Ўзбекистана. Ташкент, 1972. 21-6.
 8. П.Ш.Зоҳидов. “Меъмор санъати”. Т-1978 й. (54-57 бетлар).
 9. П.Ш.Зоҳидов. “Меъмор олами”. Т-1996 й.
 10. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси. “Самарқанд меъморлик ёдгорликлари”. Т-2001.
 11. Шарафиддин Али Яздий. “Зафарнома”. 293 б. 294 а, варақ
 12. “Санъат” журнали 2000 йил 38 бет
 13. Абдураззоқ Самарқандий. “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”. Т., 1969
 14. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат нашриёти. Т-2002
 15. Б.Эшпўлатов, О.Кириченко. “Самарқанд” журнали. Т-2002 й.
 16. З.Ш. Досметова. “Лойиҳалаш”. Т – 2007.
 17. www.lex.uz.
 18. www.gov.uz.
 20. www.ziyo.uz.
-